

## Америка "Fulbright" дастури волонтери Кейт Филлипс ташриф буюрди

Жорий йилнинг 2-март куни ТИҚХММИ Қарши филиалига Америка Fulbright дастури волонтери Кейт Филлипс ташриф буюрди. Ҳозирги кунда Кейт Филлипс Қарши давлат университети Хорижий тиллар факультетида талабаларга дарс бериб келмоқда. Кейт Филлипс филиалимиз профессор-ўқитувчиси Дилсўз Мусаева билан ҳамкорликда талабалар учун Семинар маъруза дарслари ўтиб берди. Маъруза дарсларига профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этишди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**